

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШИШДАГИ ЎРНИ

Азимов Фарход Хакималиевич

Бўка туман прокурори катта ёрдамчиси, 1-даржали юрист

Аннотация:

мақолада прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашишдаги ўрни ва аҳамияти комплекс таҳлил қилинган. Прокуратуранинг назорат, айблов ва мувофиқлаштириш функцияларининг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Замонавий жиноятчилик шакллариға қарши курашишда прокуратуранинг ролини кучайтириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: прокуратура, жиноятчиликка қарши курашиш, прокурор назорати, давлат айблови, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мувофиқлаштириш, қонунлар ижроси, суд-ҳуқуқ соҳаси, таълим-тарбия, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқ ва эркинлик, самарадорлик.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини янада ислоҳ қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва барвақт профилактикасини амалга ошириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жиноятчиликка қарши самарали курашиш жамиятнинг барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан прокуратура органларининг иштироки муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг амалий сайъи-ҳаракатлари билан ижобий натижаларга эришилмоқда.

Прокуратура органлари жиноятчиликка қарши курашга доир фаолиятни амалга ошириш баробарида жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ва уларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаларини ҳам бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 146-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади. Бундан маълумки, мамлакатимиз ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларида ваколат берилган давлат органлари томонидан жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифалар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 4-моддасида тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида мустаҳкамланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2026 йил 27 январь куни Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор

йиғилишида масъул идоралар уюшган жиноятчилик, наркожиноятлар, кибержиноятчилик ва яширин иқтисодиёт бўйича жиловни қўлга олиши шартлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, Давлатимиз раҳбари наркожиноятларга қарши кураш масаласига алоҳида тўхталиб, синтетик наркотикларнинг 95 фоизи интернет орқали тарқатилиб, тўлов криптовалютада бўлаётгани, нарколабораториялар мамлакат ичида очилаётгани, ўтган йили пойтахтда ушланган уюшган жиноий гуруҳлар таркибида 259 нафар “оғир” тоифадаги ёшлар ва спортчилар бўлгани ўта ташвишли ҳол эканини қайд этиб ўтди [1].

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори билан “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисида”ги Низом тасдиқланган бўлиб, унда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахслар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш амалиётини ўрганиш комиссиясининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги ПҚ–1-сон қарорида ижтимоий профилактика самарадорлигини оширишни устувор вазифа этиб белгиланган ҳолда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни ишончли таъминлаш бўйича манзилли профилактик чора-тадбирлар тизимини самарали жорий этиш орқали жиноятчиликни кескин камайтириш, оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳамда аёллар ва ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг асл омилларини илмий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш орқали уларнинг барвақт олдини олиш бўйича янги ишлаш механизмларини белгилаш лозимлиги қайд этилди [2].

А.В. Лапкиннинг фикрига кўра, “Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги кўп жиҳатдан тегишли институционал механизмнинг фаолият юритишига боғлиқ бўлиб, у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа иштирокчиларни ўз ичига олади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, сўнгги вақтларда жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи субъектлар сони, шунингдек улар томонидан қўлланилаётган воситалар рўйхати сезиларли даражада кенгайган” [3].

Б.Б.Алиевнинг таъкидлашича, “Дарҳақиқат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш жиноятчиликка қарши курашда объектив зарур шарт ҳисобланади. Айнан мувофиқлаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда муҳим ўрин тутаяди, бу эса жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳаракатларнинг умумий самарасини оддий равишда алоҳида органлар иши натижаларини қўшиш орқали эришиш мумкин бўлган даражадан анча ошириш имконини беради.

Унинг мақсад ва вазифалари жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг уйғун, мақсадга йўналтирилган, ҳамкорликдаги ҳаракатларини таъминлашдан иборат” [4].

А.А.Данилевичнинг фикрига кўра, “Прокуратуранинг давлат органлари тизимида ўзига хос ўрни, аввало унинг мақсадлари, вазифалари, функциялари ва ваколатлари билан белгиланганлиги тўғрисида, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш олиб бораётган давлат органлари, шунингдек жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашда иштирок этаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини лозим даражада мувофиқлаштиришга қодир бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга айланган” [5].

У.Б.Хамидовнинг таъкидлашича, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратуранинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолияти билан узвий боғлиқ. Прокуратурага жиноятчиликка қарши кураш олиб бораётган барча давлат тузилмалари ҳаракатларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган. Бу кураш инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларига қарши йўналтирилган жиноятларга қарши курашни ўз ичига олади.

Шу муносабат билан прокурор ички ишлар органлари ва бошқа тегишли органларнинг жиноятларни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотчи сифатидаги ролни бажаради.

Прокуратуранинг бундай масъулиятли функция билан таъминланиши бежиз эмас. Чунки прокуратура, аввало, қонунийлик устидан назорат қилувчи орган сифатида, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилишини таъминлайди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қонунларга амал қилиниши устидан назоратни амалга оширади ва ўзи ҳам жиноий таъқибни юритади” [6].

Прокуратура органлари жиноятчиликка қарши курашишда марказий ва кенг ваколатли давлат институти сифатида муҳим роль ўйнайди. Прокуратура жиноят ишларини қўзғатиш, терговга процессуал раҳбарлик қилиш, судда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш каби вазифаларни бажаради. Бундан ташқари, прокуратура органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш, қонунларнинг аниқ ижро этилишини назорат қилиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳам фаол иштирок этади. Прокурорларнинг қонунлар ижроси устидан назорат қилиш ваколати жиноятларни очишда самарадорликни оширади ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Замонавий шароитда прокуратура органларининг ўрни янада мустаҳкамланмоқда, чунки жиноятчилик шакллари ва усуллари мураккаблашиб, халқаро характер касб этмоқда. Прокурорларнинг малакасини доимий ошириб бориш, замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш ва жамоатчилик билан ҳамкорликни янада ривожлантириш жиноятчиликка қарши курашишнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Прокуратура органлари жиноятчиликка қарши курашишда нафақат жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, балки жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолатни таъминлашда ҳам муҳим вазифани бажаради. Прокуратуранинг мустақиллиги, холислиги ва профессионалиги жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолатларидан бири саналади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, прокуратура органлари жиноятчиликка қарши курашиш тизимининг асосий бўғини ҳисобланади. Улар назорат, айблов ва мувофиқлаштириш функцияларини бажариб, қонун устуворлигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Прокуратура органлари томонидан жиноятчиликка қарши кураш борасидаги муҳим вазифани муваффақиятли бажариш учун қонунчиликни янада такомиллаштириш, ихтисослашган бўлинмалар ташкил этиш, кадрлар малакасини доимий ошириб бориш, фаолиятга сунъий интеллект ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш зарур.

Сноски/Иқтибослар/References

1. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши (27.01.2026 йил). Ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти танқидий кўриб чиқилиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида янги вазифалар белгилаб берилди. https://uza.uz/uz/posts/huquq-tartibot-idoralarining-faoliyati-tanqidiy-korib-chiqilib-zhamoat-xavfsizligini-taminlash-sohasida-yangi-vazifalar-belgilab-berildi_811990
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/7973611>
3. Лапкин А.В. Роль прокуратуры в противодействии преступности по законодательству Украины. Всероссийский криминологический журнал. 2020. Т. 14, № 2. –С.328. <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-prokuratury-v-protivodeystvii-prestupnosti-po-zakonodatelstvu-ukrainy/viewer>
4. Алиев Б.Б. Координирующая роль прокуратуры в борьбе с преступностью. (по материалам Республики Дагестан). Автореф. ...дис. канд. юрид. наук. – Махачкала, 2004. –С.3. <https://www.disscat.com/content/koordiniruyushchaya-rol-prokuratury-v-borbe-s-prestupnostyu-po-materialam-respubliki-dagesta>
5. Данилевич А.А. Прокурорский надзор: учеб.-метод. пособие для студентов юрид. спец. БГУ / А.А. Данилевич. – Минск: БГУ, 2013. – С.19.
6. Хамидов У.Б. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ прокуратура органларининг вазифалари, функциялари ва фаолият йўналишлари. AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE ISSN: 2996-5306 (online) | ResearchBib (IF) = 10.67 IMPACT FACTOR Volume-3| Issue-9| 2025. –Б. 123.